Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

31 май, жума, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 108 (1361)

КАВКАЗОРТИ ЯНГИДАН КАШФ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27-29 май кунлари Кавказорти давлатлари — Озарбойжон ва Грузияга расмий ташриф буюрди.

ОЗАРБОЙЖОН ЗАМИНИДАГИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон ва Озарбойжон халқлари ўртасидаги алоқалар қадимдан равнақ топиб келган. Исломий қадриятларга асосланган маданий-маънавий бойликлар, шарқона урф-одатлар халқларимизни асрлар давомида узвий боғлаган.

Бироқ, мамлакатларимиз ўртасидаги хўжалик, савдо-иқтисодий, маданий алоқалар сўнгги йилларда деярли узилиб қолди. Ҳар икки республика мустақилликка эришганидан кейин ҳам Озарбойжондаги сиёсий беқарорлик туфайли бу алоқаларни қайта тиклашга имкон топилмади. Бугун Озарбойжонда ички барқарорликнинг мустаҳкамланиши қардош халқлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш учун шароит туғдирди.

Шу боис, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташрифи Озарбойжонда мамнуният ва чуқур миннатдорлик туйғуси билан қарши олинди. Айниқса, Боку аэропортида бўлиб ўтган расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Президент Ислом Каримовнинг Озарбойжон раҳбари Ҳайдар Алиев ҳамроҳлигида пойтахтдаги «Шаҳидлар хиёбони»ни зиёрат этиши ушбу туйғуни янада кучайтирди. Бу ерда 1990 йилдаги қонли воқеалар, Тоғли Қорабоғ можароси, Озарбойжон-Арманистон урушида ҳалок бўлган юзлаб навқирон озарбойжонликлар мангу уйқуда ётибди. Мамлакатда бир неча йил давом этган ҳокимият талашиш, ички зиддият ҳамда беқарорликдан толиққан кишиларнинг нигоҳи ўзбекистонлик меҳмонларнинг хотирасидан узоқ вақт ўчмаса керак. Шунингдек, автомат тутган соқчиларнинг ҳар қадамда кўзга ташланиши осуда Ўзбекистондан келган кишига анча ғайритабиий туюлади.

Бу ҳақда гапиришдан мақсад, ўша талo-тўплар, сиёсий ўйинлар ва «бош айланишлар» давридан Ўзбекистоннинг муваффақият билан ўта олгани, халқимизнинг яқдиллиги ва сабр-бардоши, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмаслигини яна бир бор таъкидлашдир.

Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевдек дунё кўрган кекса сиёсатчининг ҳар бир учрашувда, Президент Ислом Каримовнинг оқилона ички сиёсати, иш юритиши туфайли Ўзбекистон бугун ҳар жиҳатдан кўплаб ютуқларни қўлга киритмоқда, дея бот-бот такрорлагани ҳам бежиз эмас, албатта.

Ўзбекистон халқи озарбойжонлик қардошлари иқтисодий ва сиёсий таназзулларни бошдан кечирган пайтда уларга ҳамиша ҳамдард бўлди ва руҳан қўллаб келди. Алоқалар узилиб қолганида халқларимиз бир-бирига муштоқлик сезди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ҳайдар Алиев билан яккама-якка суҳбати, Президентлар иштирокидаги икки мамлакат давлат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари чоғида ўзаро алоқаларни тиклаш, ҳар томонлама ҳамкорликни равнақ топтиришга бўлган ана шу муштоқлик, интилиш яққол сезилди.

— Ота-боболаримиз халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун жуда катта ишлар қилган, — деди Президент Ҳайдар Алиев музокаралар чоғида. — Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг Озарбойжонга ташрифи ана шу хайрли ишни давом эттиришга, ҳамкорлигимиз равнақига асос солади. Биз Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришдан чуқур манфаатдормиз.

— Биз халқларимиз иродасини бажо келтиряпмиз, — деди мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов. — Шу боис бугун ҳамкорлигимизнинг ҳуқуқий асосини яратиш муҳим вазифадир. Қолаверса, иқтисодий жиҳатдан ўтиш даврида бир-биримизни қўллаб-қувватлаш, хўжалик алоқаларини тиклаш мамлакатларимиз келажагини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти, шунингдек, икки томонлама муносабатларнинг мустаҳкамланишида коммуникация

(Давоми 2-бетда).





Илгари хабар қилинганидек, мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг (ЖИМТ) Бош директори Арпад Богш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга мазкур ташкилотнинг олий мукофоти — Олтин медаль ва гувоҳномасини топширди.

Гувоҳнома матни қуйидагича:

ЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТАШКИЛОТИ МУКОФОТЛАШ ҲАҚИДАГИ ГУВОҲНОМА

Фан ва технология соҳасида кашфиётчилик фаолиятига ҳамда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашаётгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти, интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимоячиси Ислом Каримов жаноби олийлари Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Олтин медали билан тақдирланади.

Арпад БОГШ,
Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти Бош директори.
Женева,
1996 йил, май.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

30 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) парламент Ассамблеяси Президенти Франк Свален раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Ўзбекистон раҳбари ЕХҲТнинг жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги фаолиятини юксак баҳолар экан, бунда ташкилот Парламент Ассамблеясининг муносиб ҳиссаси борлигини қайд этди.

Президент Ислом Каримов, шунингдек, мамлакатимиз билан ЕХҲТ ўртасида ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Ўзбекистон 1992 йилда ЕХҲТга аъзо бўлган эди, —деди жумладан юртбошимиз. — Айни пайтда бу обрўли ташкилот Тошкентда ўз ваколатхонасига эга. Бу ЕХҲТнинг мамлакатимизга эътибори ва Ўзбекистон билан манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилаётганидан дарак беради.

Ўзбекистон раҳбари, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва ҳамкорлик юзасидан биргаликда ўтказилаётган тадбирлар муҳим аҳамиятга эга эканини, жорий йил кузида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар мавзусида семинар ўтказиш режалаштирилаётганини таъкидлади.

Ф. Свален самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, ЕХҲТ Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаркатларини қизғин қўллаб-қувватлашини айтди. Ўзбекистон ва ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда Олий Мажлис билан ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси алоқаларини ривожлантириш муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов ва ПрезидентнингДавлат маслаҳатчиси Содиқ Сафоев иштирок этди.

***

Шу куни ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси Президенти Ф. Свален раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Олий Мажлисига ҳам ташриф буюрди. Учрашув ниҳоясида Ф. Свален журналистлар билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

***

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 30 май куни ГФР ташқи ишлар федерал вазири Клаус Кинкелни қабул қилди.

Ислом Каримов ГФР ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожида муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Бу алоқалар айни пайтда ўзаро манфаатли асосда тобора мустаҳкамланиб бораётганини қайд этди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Минтақавий ва айрим халқаро масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Содиқ Сафоев, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Маросимда Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Райнхарт Биндзайл ҳозир бўлди.

***

Шу куни ГФР ташқи ишлар федерал вазири К. Кинкел Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида А. Комилов билан ҳам учрашди.

Ташриф ниҳоясида Германия Федератив Республикаси ташқи ишлар федерал вазири оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб уларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарди.

СУРАТЛАРДА: қабуллар пайтидан лавҳалар.
Р. ШАГАЕВ ва А. ТЎРАЕВ тасвирларга олишган.
(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

30 май куни Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов Германия ташқи ишлар федерал вазири жаноб К. Кинкелни ва унга ҳамкор бўлган Бундестаг делегациясини қабул қилди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон парламенти Раиси кейинги пайтда тобора чуқурлашиб бораётган Германия — Ўзбекистон дўстлик алоқаларига ҳар икки мамлакат парламентарийлари ҳам катта ҳисса қўшаётганликларини мамнуният билан қайд этди ва бу ҳамкорлик янада фаоллашади, деган истак билдирди.

Ташқи ишлар федерал вазири жаноб К. Кинкел сўз олиб, Германия ҳукумати Марказий Осиё давлатлари ўртасида Ўзбекистонга алоҳида қизиқиш билан қараётганлигини қайд этиб, Бундестаг ва Олий Мажлис бу муносабатга янада илиқлик киритаётганлигидан мамнуният изҳор этди.

* * *

Кейинги пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Германиянинг Конрад — Аденауэр фонди ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бормоқда. Ҳар икки томон ташаббуси билан ўзаро келишувга мувофиқ анжуманлар, турли мавзуларда семинарлар ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди.

30 май куни Олий Мажлисда «Парламент аъзоларини профессионал жиҳатдан тайёрлашнинг халқаро тажрибасини ўрганиш» мавзусида ўтказилган семинар ана шундай сермазмун ва фойдали тадбирлардан бири бўлди.

Семинарни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров ҳамда Конрад-Аденауэр фондининг минтақавий вакили В. Шрайбер олиб борди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Ҳ. Халиловнинг табрик сўзи билан очилди. Шундан сўнг Конрад -Аденауэр фондининг Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон бўйича минтақавий мухтор вакили Вольфганг Шрайбер ҳамда Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Ханс-Юрген Кайльхольц семинар қатнашчиларини навбатдаги ўзаро тажриба алмашишга бағишланган йиғилиш ўтказилаётганлиги билан қутладилар.

Бундестаг делегациясининг раҳбари, Германия — Марказий Осиё парламент гуруҳининг раиси доктор Олаф Фельдманн «Парламент — демократия шароитида жамоатчилик фикрини шакллантирувчи анжуман» мавзусида маъруза қилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева сўзга чиқиб, республика парламенти тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ушбу мавзу хусусида батафсил тўхталди.

Ҳар иккала маърузадан сўнг семинар қатнашчилари ўртасида қизиқарли умумий баҳс-мунозара бўлиб ўтди.

Семинар ишига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Бугров ҳамда Конрад-Аденауэр фондининг минтақавий мухтор вакили Вольфганг Шрайбер якун ясадилар.

Олий Мажлис ва Конрад-Аденауэр фонди биргаликда ташкил этган мазкур семинарда Бундестаг делегацияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг раислари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, Олий Мажлисда доимий асосда ишлайдиган депутатлар, парламент фракциялари раҳбарлари, Олий Мажлис Котибиятининг масъул ходимлари, Америка юристлари ассоциацияси тингловчилари, айрим чет эл дипломатия ваколатхоналарининг вакиллари, Ўзбекистон ҳамда хорижий оммавий ахборот воситаларининг журналистлари иштирок этдилар.

* * *

Шу куни Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Германия Бундестаги делегацияси аъзолари Олий Мажлис партия фракцияларининг раҳбарлари — Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов, «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг котиби А. Жўрабоев, «Ватан тараққиёти» партиясининг раиси А. Йўлдошев билан учрашдилар.

Учрашувда кўппартиявийликка асосланиб ўтказилган сайлов натижасида таркиб топган парламент ишининг ўзига хос жиҳатлари хусусида ҳамда ҳар икки мамлакат парламентарийларини қизиқтирган бошқа муаммолар ҳақида дўстона суҳбат ўтказилди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

30 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов Вазирлар Маҳкамасида Германия ташқи ишлар федерал вазири Клаус Кинкел бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Бош вазир Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги алоқаларда янги уфқлар очилаётгани ва бу ҳамкорлик келажаги мамлакатларимиз учун умидли бўлишини айтди. Шунингдек, у Германия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи ташкилотлари ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишини қўллаб-қувватлаётгани ўзаро муносабатларимизнинг янада мустаҳкамланишига ҳизмат қилишини таъкидлади.

Германия ташқи ишлар федерал вазири Клаус Кинкел Ўзбекистоннинг ўзига хос йўли ва мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар самараси, мустақилликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берди. У Германия ҳукумати Марказий Осиё минтақасида кўпроқ Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганини таъкидлади.

Сўнг учрашув Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва муассасалари вакиллари ҳамда Германия ташқи ишлар федерал вазирига ҳамроҳлик қилаётган тадбиркорлар иштирокида, кенгайтирилган таркибда давом этди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада равнақ топтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Учрашувда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари В. Голишев, С. Сафоев, Бош вазир ўринбосарлари С. Саидқосимов, Б. Ҳамидов, Р. Юнусов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Музокаралар чоғида Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Райнхарт Биндзайл ҳозир бўлди.

(ЎзА).

КАВКАЗОРТИ ЯНГИДАН КАШФ ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— халқаро Транскавказ йўлагини барпо этиш жуда муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Ўзбекистон Боку портларини таъмирлаш учун сармоя киритишга тайёр. Тинимсиз уруш ва беқарорлик туфайли ночор аҳволга тушиб қолган Озарбойжон учун бу масала нафақат иқтисодий, балки сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир. Айни пайтда Озарбойжон орқали Европага ўтар эканмиз, бу мамлакатда барқарор тинчлик бўлишидан биз ҳам манфаатдормиз, — деди Ислом Каримов.

Самарали ўтган музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон ва Озарбойжон Республикалари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, солиқ, божхона, ҳаво йўли, автомобиль ва темир йўли алоқалари, юк ташиш, сайёҳлик ва бошқа кўплаб соҳалардаги ҳамкорликка оид йигирмага яқин ҳукуматлараро ҳужжатларга имзо чекилди. Икки мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар тўғрисидаги протокол ҳам имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ҳар икки давлат раҳбарлари журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларга мустаҳкам пойдевор қўйганини таъкидлашди. Шунингдек, Сарахсда Туркманистон, Ўзбекистон, Озарбойжон ва Грузия ўртасида имзоланган битим янги ҳужжатлар билан тўлдирилгани, мустаҳкамлангани қайд этилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Президент Ҳайдар Алиев ҳамроҳлигида Боку давлат университетига ташриф буюрди. Бу ерда Ўзбекистон Президенти университет профессорлари, ўқитувчилари ва талабалари, билан учрашди.

Боку университети 75 йилдан буён мамлакат учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаб келади. Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев ҳам мазкур даргоҳда таҳсил олган. Айни пайтда бу ерда кўплаб Шарқ мамлакатларидан келган талабалар ўқимоқда. Боку университети Тошкент давлат университети билан яқин ҳамкорлик қилиб келади. Бу ўқув даргоҳида ўзбек адабиётини ўрганиш бўйича, айниқса, талай илмий ишлар қилинган.

Ўзбекистон Президенти учрашувда нутқ сўзлади. Ўзбекистоннинг демократик жамият қуриш ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш борасидаги ўзига хос йўли ҳақида сўзлаб берди. Мамлакатимиз раҳбарининг икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун Озарбойжонда Ўзбекистон, Ўзбекистонда Озарбойжон кунларини ўтказиш, Боку ва Тошкент давлат университетлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ўзаро талабалар алмашишни йўлга қўйиш борасидаги таклифларини учрашув қатнашчилари қизғин кутиб олди. Университет ректори, профессор Нажаф Алескеров Президентимизга иқтисодиёт, фан, маорифни юксалтиришдаги хизматлари, сиёсий алоқалар, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун Боку давлат университети фахрий доктори унвони берилганини эълон қилди ва унга докторлик дипломини тантанали вазиятда топширди.

Президент Ҳайдар Алиев мамлакатимиз раҳбарини ушбу унвон билан табриклар экан, Президент Ислом Каримовнинг сиёсат, иқтисодиёт ва маънавият бобидаги фаолиятига юксак баҳо берди. Сўзга чиққан профессорлар ва талабалар, жамоатчилик вакиллари ҳам Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги маданий ҳамкорликни ривожлантириш халқларимиз манфаатига мос эканини таъкидладилар.

Оқшом Озарбойжон Президенти Ўзбекистон раҳбари шарафига зиёфат берди.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

28 май куни Ўзбекистон Президенти расмий ташриф билан Грузияга келди.

Фусункор табиат қучоғида жойлашган қадимий Тбилиси шаҳрининг марказида неча ўн йиллардан буён улкан «Она Грузия» ҳайкали қад ростлаб турибди. У бир қўлида шароб тўла коса, иккинчи қўлида қилич тутган. Шароб Грузияга яхши ният билан келган дўстларга тутилади, қилич эса ғанимларга қарши ишга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни мамлакат раҳбарияти, жамоатчилик вакиллари, грузин халқи самимий дўстлик туйғулари билан кутиб олди. Бунда грузияликларнинг меҳмондўстлиги, очиқ кўнгиллиги ва ўзига хос, бетакрор жўмардлиги мужассам эди.

Грузиядаги энг оммавий газеталардан бири — «Озод Грузия» мамлакатимиз раҳбарининг Грузияга ташрифини «Икки қардош халқлар ҳаётидаги тарихий воқеа», дея баҳолади.

Тбилиси аэропортида мамлакатимиз раҳбарига Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе пешвоз чиқди. Шу ерда Ўзбекистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Машиналар карвони Крцанис қароргоҳига йўл олди. Пойтахт кўчалари икки давлат байроқлари, грузин ва ўзбек тилидаги шиорлар билан безатилган эди.

Пойтахтдаги Президент саройида Ислом Каримов ва Эдуард Шеварднадзенинг яккама-якка суҳбати бўлди. Икки соатдан ортиқ давом этган суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар, минтақавий ва халқаро вазият, МДҲ доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков ва Грузия давлат вазири Н. Лекишвили бошчилигидаги икки мамлакат ҳукумат делегациялари аъзолари учрашувида эса ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Грузия ташқи ишлар вазирлигида икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари — А. Комилов ва И. Менагаришвили Марказий Осиё билан Кавказ ўртасидаги ҳамкорлик борасида фикр алмашдилар.

Шундан кейин Президентлар иштирокида кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бўлди. Шу ўринда, Ўзбекистон билан Грузия давлат делегациялари ўртасидаги музокараларнинг қизғин ва амалий руҳда ўтганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Музокараларда асосан, Транскавказ йўлининг Грузиядан ўтадиган қисмини жадал барпо этиш, Грузиянинг Поти бандаргоҳи имкониятидан тўла фойдаланиш бош мавзу бўлди. Бугунги кунда Европа билан Марказий Осиё, қолаверса, бутун Осиё мамлакатларини боғловчи бу транспорт йўлига Европа Иттифоқи, бир қанча халқаро ташкилотлар ҳам катта қизиқиш билдирмоқда ва ушбу лойиҳани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдиряпти. Учрашувда ушбу Транскавказ йўлагидан фойдаланиш амалда бошлангани, аввало, Ўзбекистондан юборилган пахта, кейинчалик бошқа юклар ҳам Поти бандаргоҳи орқали Европага жўнатилиши қайд этилди. Айни пайтда икки минг тоннага яқин ўзбек пахтаси Озарбойжондан Грузияга етиб келди. Бундан ташқари, икки томонлама иқтисодий алоқаларни юқори босқичда ривожлантириш, бунинг учун янги имкониятларни қидириб топиш масаласига катта эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Грузия енгил саноати учун пахта хомашёси: энергетика соҳаси учун нефт ва газ маҳсулотлари етказиб беради.

— Ўзбекистон Грузия билан йўлга қўйилган савдо-иқтисодий алоқалар ва ҳар томонлама ҳамкорликда фақат фойда олиш тамойилига амал қилмайди, — деди Президент Ислом Каримов музокаралар чоғида. — Биз учун энг муҳими бугун кўплаб муаммоларга дуч келаётган Грузия иқтисодиётининг тикланишига кўмак бериш, мамлакат халқини қадрдон дўстларга хос қўллаб-қувватлашдир.

Музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Президентлар Ислом Каримов ва Эдуард Шеварднадзе Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияга имзо чекди. Бундан ташқари, икки мамлакат ўртасида молия-саноат гуруҳини тузиш, ҳуқуқ-тартибот савдо алоқаси, почта алоқаси, солиқ, божхона тизими каби кўплаб соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисида ўн бешга яқин ҳукуматлараро шартнома ҳамда битимлар имзоланди.

Матбуот анжуманида Президентлар музокараларнинг самарали ва ўзаро бир-бирини тушуниш руҳида ўтганини таъкидладилар. Улар журналистларнинг икки мамлакат муносабатлари, ҳамкорлик истиқболлари, минтақавий хавфсизлик ва халқаро муаммолар бобидаги саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳар қандай комуникация ва транзит иш жойларининг кўпайиши, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига ҳисса қўшишини, шу жиҳатдан Транскавказ йўли ҳам Ўзбекистон учун, ҳам Грузия учун бирдек фойда келтиришини таъкидлади. Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг мустаҳкамланиши ҳар икки давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда, уларнинг бирбирига таянч бўлишида муҳим ўрин тутишини қайд этди.

— Биз Ўзбекистон раҳбарини энг оғир дамларда ўз мамлакатини инқироздан қон тўкишларсиз, талофатсиз олиб чиққан оқил сиёсатчи сифатида биламиз, — деди Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе. — Грузия эса аввал бошданоқ худди шу йўлни тутмагани мамлакат бошига катта қийинчиликларни солди.

Президент Эдуард Шеварднадзе бугун Ўзбекистон билан ҳамкорлик Грузия учун ҳар томонлама манфаатли эканини таъкидлади.

Грузия раҳбари ўзининг бу фикрини Президент Ислом Каримов мамлакат тадбиркорлари, йирик корхоналари раҳбарлари билан учрашганда ҳам яна бир бор такрорлади. Грузиялик ишбилармонлар машинасозлик, кимё саноати, авиасозлик ва чой қадоқлаш ҳамда юк ташиш соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги таклифларини айтишди.

Шу куни кечқурун Грузия давлат опера ва балет академик театрида Ўзбекистон Президенти шарафига катта концерт дастури намойиш этилди. Бу ерда нафақат грузин санъат усталарининг маҳорати намойиш этилди, балки, грузия халқининг мамлакатимизга, унинг раҳбарига бўлган миннатдорлик туйғуси ифода этилди. Зотан, Ўзбекистон раҳбарининг грузияликлар қалбидан бу қадар чуқур ўрин олгани биз — барча ўзбекистонлик меҳмонлар учун ҳам кутилмаган янгилик бўлди. Маълумки, Президент Ислом Каримов шу йил бошида Москвада бўлиб ўтган МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг йиғилишида Грузия-Абхазия можароси муҳокама этилар экан, унда ҳал қилувчи фикрни олға сурди. Ўзбекистон Грузиянинг ҳудудий бутунлигини сақлаб қолиш тарафдори эканини қатъий баён этган эди.

Оқшом Грузия раҳбари Ўзбекистон Президенти шарафига зиёфат берди. 29 май куни мамлакатимиз раҳбарининг Кавказортига ташрифи ниҳоясига етди.

Президентнинг ушбу Кавказорти мамлакатларига ташрифини мамлакатимиз ҳаётида, қолаверса, халқаро миқёсдаги улкан воқеа десак, хато бўлмайди. Чунки Транскавказ йўлининг барпо этилиши нафақат Ўзбекистон, Грузия, Озарбойжон ва Туркманистон мамлакатлари, балки бутун Осиё ва Европа давлатлари учун ҳам янги имконият очади. Зотан, бутун жаҳон иқтисодиётининг мувофиқлашуви даврида коммуникация алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда мамлакатимиз раҳбарининг денгиз йўлларига чиқиш борасидаги ҳаракатларининг пухта ўйланганини таъкидлаш лозим. Зеро, Ўзбекистон бугун денгизга чиқувчи бир эмас, иккиуч қулай йўлга эга бўлмоқда. Бу албатта, мустақил давлатимизнинг тўла маънода мустақил сиёсат юритишини таъминлашга янги имконият беради.

Ташрифнинг яна бир жиҳати — Бокуда илк бор икки томонлама алоқаларнинг ҳар жиҳатдан ҳуқуқий асослари яратилди ва ўзаро муносабатларнинг мустаҳкамланиши йўлида муҳим қадам ташланди.

Грузияда эса ўзаро ҳамкорлик энг ривожланиш босқичига кўтарилди. Қисқаси, ватанимизнинг бугунги ўзгарувчан дунёда ишончли ҳамкорлари янада кўпайди.

Айниқса, мамлакатимизнинг келажакка ишонч билан боқаётган ушбу эрксевар давлатлар билан алоқасининг мустаҳкамланиши, уларнинг дунёга моҳир сиёсатчи сифатида танилган Эдуард Шеварднадзе ва Ҳайдар Алиевдек раҳбарлари билан Президентимизнинг яқиндан дўстлашиши бу ташриф аҳамиятини янада оширади.

Шундай қилиб, Президент Ислом Каримов ушбу Кавказорти мамлакатларини Ўзбекистон учун янгидан кашф этди. Бу кашфиёт ҳаммамизга қутлуғ бўлсин.

Муҳаммад ШАРИФ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент —Боку — Тбилиси— Тошкент.

К. КИНКЕЛ ТОШКЕНТДАН БОННГА СИМ ҚОҚДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар федерал вазири Клаус Кинкел Тошкентдаги 33-автомат телефон станциясининг очилиш маросимида иштирок этди.

Ушбу телефон станцияси мамлакатимизда 1993 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Алкател сел АГ» Германия фирмаси ҳомийлигида қайта жиҳозланган ҳамда замонавий алоқа воситалари ва компьютерлар билан таъминланган бўлиб, у йигирма минг нафар абонентга хизмат кўрсатади. Айни вақтда «Алкател сел АГ» немис фирмаси Наманган, Шаҳрисабз шаҳарларида ҳам жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган телефон станциялари барпо этиш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. Тантанада сўзга чиққан Ўзбекистон Алоқа вазири Т. Раҳимов мамлакатимизда коммуникация соҳасини ривожлантиришда Германиянинг «Алкател сел АГ» фирмасининг ҳиссаси алоҳида бўлаётганини эътироф этди.

Германия Ташқи ишлар федерал вазири К. Кинкел ушбу янги телефон станциясининг ишга тушиши Ўзбекистон раҳбариятининг коммуникация соҳаси ривожига катта эътибор қаратаётганидан бир далолат эканини таъкидлади.

К.Кинкел ушбу телефон станцияси хизматидан фойдаланди ва Боннга қўнғироқ қилди. Таъкидлаш жоизки, Германия вазирининг алоқа сифатидан кўнгли тўлди.

Телефон станциясининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Тантанада Германия Федератив Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Райнхард Биндзайл ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ҲАРБИЙЧА ҚЎШИҚЛАР

«Ўзбекистон — Ватаним маним» республика қўшиқлар кўрик-танловининг Қуролли Кучлар тизими бўйича лауреатларининг концерти Тошкент гарнизони ҳарбийлари ҳотирасида узоқ сақланиб қоладиган бўлди.

Концерт Алишер Навоий номидаги Санъат саройида бўлиб ўтди. Унда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Мудофаа вазири, генерал-полковник Р. Аҳмедов қатнашди. Шунингдек, офицерлар, ҳарбийларнинг оила аъзолари, солдат ва сержантлар, кўплаб меҳмонлар ҳозир бўлишди.

Кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг барча гарнизонлари ва қисмларида бир қанча босқичда бўлиб ўтди. Барча босқичларда қўшиқнинг сўзига, мусиқасига ҳамда ижрочилик маҳоратига катта эътибор қаратилди. Финалга армия ижодий жамоаларининг энг кучлилари чиқишди. Уларнинг кўпчилиги ўтган йили ўтказилган «Аскарлар қўшиғи» фестивалида назарга тушиб, томошабинлар меҳрини қозонишган эди.

Кўрик-танлов Мудофаа вазирлиги ҳарбийларни — Ватан ҳимоячиларини ҳар томонлама тарбиялашга, шунингдек, армия мусиқа санъатини юксалтиришга, ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги қўшиқларни таргиб қилишга катта эътибор бераётганини кўрсатди.

Биринчи ўрин А. Обиджон шеъри, А. Назаров мусиқаси асосида капитан А. Ҳолиқов ижро этган «Ўзбекистон аскарлари» қўшиғига берилди. Унга соврин ва пул мукофоти топширилди. Иккинчи ўринга лейтенант М. Ҳакимов, Тошкент умумқўшин командирлари олий билим юрти жўр гуруҳи ва муддатдан ташқари хизмат кичик сержанти Ш. Дадажоновлар мушарраф бўлишди. Учинчи ўрин муддатдан ташқари хизмат старшинаси В. Савенков, кичик сержант К. Раҳматов, капитан С. Ярашевга насиб этди.

Т. АБДУСАИДОВ,
катта лейтенант.

ЎЗБЕКИСТОН ЮРИСТЛАРИ АНЖУМАНИ

Кеча пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида республика юристларининг «Фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш» мавзусига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Конференцияни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов кириш сўзи билан очди. Сўнгра республика Адлия вазири С. Мирсафоев «Фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг долзарб муаммолари» мавзусида маъруза қилди.

Республика Олий суди раиси У. Мингбоев, республика Бош прокурори Б. Мустафоев, Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломов, республика «Манавият ва маърифат» маркази раиси Н. Аминов ва бошқалар сўзга чиқишиб, Конституция ва суд этикаси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура идораларининг роли, шартномалар ва уларни тузиш маданияти, ёшларга ҳуқуқий таълим бериш масалалари бўйича қилинган ишлар ва навбатдаги вазифалар хусусида тўхталишди.

Анжуманда қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, юристлар тайёрлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва бошқа масалалар бўйича тадбирлар режаси қабул қилинди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — назорат инспекцияси раҳбари Е. Жалолов ва республика Конституцион судининг раиси Б. Эшонов иштирок этди.

Э. БОЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ

Ҳаётда шундай воқеа ва ҳодисалар бўладики, улар қисқа муддат мобайнида бир хил турмуш тарзига айланган ҳолатларни буткул ўзгартириб юборади. Юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёни халқаро ҳамжамият диққатини тортмоқда.

Жаҳон жамоатчилиги мамлакатимизга алоҳида эътибор билан қарамоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, бир қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон билан боғлиқ тадбирлари уларнинг мамлакатимизда қарор топган ижтимоий-сиёсий муҳитдан, узоқни кўзлаган, айни пайтда, ниҳоятда асосли ва ҳаётий сиёсатидан қониқишаётганини кўрсатади.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистонда дунёнинг ҳар қандай мамлакати, ҳар қандай халқаро ташкилот ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган соғлом сиёсий-маънавий муҳит ҳукм сурмоқда. Шу билан бирга у жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос овозга ва ўринга эга бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг маърифат ва маданиятга ҳомийлиги, ҳар қандай ислоҳотларнинг, энг аввало, маънавий асосларни яратиш каби тамойиллари ҳозирги замон жаҳон тараққиётининг энг илғор тажрибаларига жуда мос келади.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги — бу мамлакатимизда давлат сиёсатининг тобора маърифий мазмун касб этаётганидан ва инсон тафаккурини қўллаб-қувватлайдиган ҳамда ҳимоя қиладиган мўътабар ташкилотдир. У ўз тамойилларига, ақидаларига мос келадиган давлат билангина ҳисоб-китоб қилади. Ўзбек халқининг атоқли давлат арбоби Амир Темур ўзи миллат сифатида ўзбекни, давлат сифатида Ўзбекистонни эътироф этаётганидан далолат беради.

«Самарқанд, Бухоро ва Хивага қилган сафар ҳаётимдаги ҳаяжонли дамларим бўлди. У ерлар эртаклардаги каби афсонавий ва тарихий жойлардир. Мен «Ипак йўли» шу жойлардан ўтиб, маданиятлар ва динларнинг бир-бирига киришиб келишига ва Шарқ билан Ғарбнинг мулоқотига кўмаклашганини тасаввур этишга ҳаракат қилдим. Мен борган жойлар инсоният тақдирлари чорраҳалари ўтган буюк шаҳарлар эди. Ҳозир биз тарих билан ҳисоблашган ҳолда «Ипак йўли» тинчлик ва мулоқот йўли сифатида хизмат қилишини давом эттириш керак, юлдузлар оламининг султони Улуғбекка ва бошқа олиму уламоларга катта эътибор берилаётганининг маданияти кўргазмаси очилиш маросимига Франция Президенти Жак Ширакнинг қатнашганлиги юртимизни беқиёс маданиятига бўлган эътиборнинг, давлат сифатида энг илғор мамлакатлар билан бўйлашаётганлигининг натижасидир.

Ўзбекистоннинг янги тарихий шароитида ўз тараққиёт йўли, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг боришига ўз муносабати, дунёвий, муаммолар ва умуминсоний масалаларни ҳал этишда мустақил фикри, илмий ва амалий асосланган хулосалари мавжуд. Унинг раҳбари эса тарихан жуда қисқа фурсатда ўзининг беқиёс ислоҳотчилик қобилиятини, ниҳоятда кенг имкониятларини кўрсата билди ва айни пайтда у ҳозирги замоннинг улкан сиёсат ва давлат арбоби сифатида янгидан-янги қирраларини намоён этмоқда.

Ўзбекистон ўзининг нафақат ер ости ва усти бойликлари билан, балки беқиёс ақлий имкониятлари ва бой яратувчанлик салоҳияти билан ҳам дунё диққатини тортмоқда. Янги аср остонасида — дунё маърифат сари қадам ташлаётган бир даврда Ўзбекистоннинг маданият ва маърифат равнақини таъминлаш борасидаги эътибори ўз самарасини бермоқда. Бу Президентимизнинг Париждаги тантаналарида» XXI-аср — маърифат асри» деган гапларига жуда мос келади. Айни пайтда жаҳон жамоатчилиги Ўзбекистоннинг инсоният тақдирини белгиловчи муҳим омил сифатида фан, маданият ва маърифат равнақига кенг йўл очиб бераётганини эътироф этмоқда, бу эса халқимизнинг қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғусини жўш урдирмоқда.

Одилбек ЮСУПБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг тингловчиси.

Яқинда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюросининг маслаҳатчилари, доктор Ғаянэ Долян ва Виалала Мандноторолар Бўз туманида бўлиб, Марказий Осиё ва Озарбойжон Республикалари бўйича оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида ишлаб чиқилган лойиҳа дастурини мувофиқлаштириш ва амалга ошириш бўйича бир қанча қисқа муддатли ўқиш ва учрашувлар ўтказдилар. Унда республикамизнинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон республикасидан ташриф буюрган соғлиқни сақлаш ходимлари иштирок этишди.

СУРАТДА: ушбу учрашувлардан лавҳа.

Ш. Олимов (ЎзА) тасвирга олган

НАБИРАНИНГ СОВҒАСИ

Каттақўрғон шаҳар жамоатчилиги ўз ҳамюртлари, машҳур шоир ва драматург Мамарасул Бобоевнинг 85 йиллик юбилейини кенг нишонладилар.

Шаҳардаги Абдулҳамид Мажидий номли ўзбек драма театрида шу муносабат билан катта тантана бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар М. Бобоевнинг ижодий мероси ҳақида қизиқарли маъруза қилдилар. Шоирнинг набираси рассом К. Бобоев шаҳардаги Мамарасул Бобоев номли мактабга бобосининг ўзи яратган портретини туҳфа қилди.

Шу куни шоир туғилиб ўсган уй деворига хотира лавҳаси ўрнатиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

М. МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

БАНКЛАР ВА БАНК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Таърифлар

Банк — тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир:

юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;

тўловларни амалга ошириш.

Омонат (депозит) — талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз ҳаммасини қайтариб бериш шарти билан топшириладиган пул суммаси.

Чет эл банки — чет эл банкининг ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширадиган шўъба банки бўлиб, унинг устав капиталининг ҳаммаси чет эл банки томонидан тўланади.

2-модда. Банк фаолиятининг субъектлари

Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган ҳамма банклар банк фаолиятининг субъектларидир.

3-модда. Банклар фаолиятининг ҳуқуқий асоси

Банклар фаолияти ушбу Қонун, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб борилади.

4-модда. Банк операциялари

Банклар ўз фаолиятларида қуйидаги банк операцияларини амалга оширадилар:

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;

омонатларни жалб этиш;

кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш.

Банклар бошқа турдаги операцияларни ҳам амалга оширишлари мумкин, чунончи:

маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;

чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;

пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;

учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;

учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;

қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;

банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;

жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;

молиявий лизинг;

халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

Банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслар.

5-модда. Банклар фаолиятини лицензиялаш

Банк, шу жумладан, чет эл банки, Ўзбекистан Республикасида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади. Лицензияда банк бажарадиган операциялар рўйхати кўрсатилади.

Лицензиясиз амалга ошириладиган банк фаолияти ғайриқонуний деб ҳисобланади ва бундай фаолият натижасида олинган даромад давлат бюджетига олиб қўйилиши лозим.

6-модда. Фирма номи

«Банк» атамаси ёки мазкур атама қўшиб ясалган сўз бирикмаларини ушбу Қонунга мувофиқ банк операцияларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ташкилотлар ўз фирма номида ёки реклама мақсадларида ишлатишлари мумкин.

Ушбу талабни бузиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

II. БАНКЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

7-модда. Банк муассислари

Банклар, қоида тариқасида, мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилади.

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар банк муассислари бўлиши мумкин, башарти, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари бундан мустасно.

Ҳар бир акциядорнинг иштирокчилик ҳиссаси устав капиталининг ўттиз беш фоизидан ошмаслиги лозим. Бундай чеклов банкларнинг устав капиталидаги давлат ҳиссасига ва чет эл банкларига татбиқ этилмайди.

Юридик ёки жисмоний шахс ёхуд ўзаро келишув билан боғланган ёки бир-бирининг мулкини назорат қилувчи бир гуруҳ юридик ва жисмоний шахслар битимлар тузиш натижасида банк акцияларининг беш фоизидан зиёдини олиши учун Марказий банкни хабардор қилиши, йиғирма фоизидан зиёдини олиши учун эса Марказий банк олдиндан розилик бериши талаб этилади.

Банк муассислари банк акциядорлари таркибидан у рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида чиқиб кетиш ҳуқуқига эга эмаслар.

8-модда. Банк устави

Банклар ўз уставлари асосида фаолият кўрсатадилар.

Банк уставида:

банкнинг (тўла ва қисқартирилган) номи ва қаерда жойлашганлиги (почта манзили);

банк операцияларининг рўйхати;

устав капиталининг миқдори, муассислар рўйхати ва устав капиталидаги улушларнинг тақсимоти;

банкнинг бошқарув органлари, уларни ташкил этиш тартиби, уларнинг ваколатлари ҳамда вазифалари ҳақидаги маълумотлар;

банк аудити тартиби, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқ белгиланган ҳисоботлар ва аудиторлик дастурларининг мақсадлари кўрсатилган бўлиши лозим.

Банк уставида, ушбу моддада белгиланган талаблардан ташқари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган маълумотлар ҳам бўлиши керак.

Банк уставига киритиладиган ўзгартишлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

9-модда. Банкнинг устав капитали

Банкнинг устав капитали банк муассислари ва акциядорлари тўлаган пул маблағларидан ташкил топади.

Кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан банкнинг устав капиталини шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Алоҳида ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ банкнинг устав капиталини шакллантириш учун бюджет маблағларидан фойдаланилиши мумкин.

Энг кам устав капитали банк муассислари томонидан уни рўйхатга олиш пайтигача тўланиши керак. Устав капитали учун тўланадиган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида ёки бошқа банкларида очилган жамғариш ҳисобварағига ўтказилади. Кўрсатилган маблағлардан депозит сифатида фойдаланиш мумкин.

Банклар устав капиталининг энг кам миқдори Марказий банк томонидан белгиланади.

10-модда. Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш

Банклар Марказий банкда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўладилар.

Рўйхатга олиш тартиби ва шартлари Марказий банк томонидан белгиланади.

Рўйхатга олиш билан бир вақтда банкларга банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия топширилади.

Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш ҳақ эвазига амалга оширилади.

Банкларнинг филиаллари Марказий банкда рўйхатга олинади ва ўз фаолиятларини уларни ташкил этган банкка берилган лицензия асосида амалга оширадилар.

11-модда. Банк очиш учун олдиндан Марказий банкнинг рухсатномасини олиш асослари ва муддатлари

Лицензия беришдан олдин Марказий банк аризачиларга банк ташкил этиш соҳасидаги фаолиятларини давом эттириш имконини берадиган дастлабки рухсатномани беради.

Дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги қарор ариза ва у билан бирга барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб кўпи билан уч ой ичида қабул қилинади ва муассисларнинг молиявий имкониятларини ҳамда обрўсини, банк раҳбарлигига таклиф этилаётганларнинг касб малакаларини, бизнес-режани, молиявий режани, капиталнинг тузилишини, тегишли банк бинолари ва ускуналар билан таъминлаш имкониятларини баҳолашга асосланади.

12-модда. Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш муддати

Банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия бериш учун муассислар дастлабки рухсатнома олинган кундан бошлаб узоғи билан олти ой муддатда қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бажаришлари керак.

Банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия бериш ҳақидаги қарор Марказий банк талаблари бажарилган кундан кўпи билан бир ойлик муддатда чиқарилади.

13-модда. Банкларни рўйхатга олишни ва уларга лицензия беришни рад этиш асослари

Марказий банк қуйидагиларга асосланиб банкни рўйхатга олишни ва унга лицензия беришни рад этиши мумкин:

банкни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар топширилмаганлиги;

таъсис ҳужжатларининг қонун ҳужжатларига номувофиқлиги;

бир ёки бир неча муассиснинг молиявий аҳволи қониқарсизлиги;

муассислар молиявий маблағларининг манбалари эълон қилинмаганлиги;

банкни рўйхатга олиш пайтигача энг кам устав капиталининг тўланмаганлиги;

банк раҳбари ва бош бухгалтери лавозимларига номзодларнинг бу касбга номувофиқлиги.

14-модда. Банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни чақириб олиш асослари

Марказий банк қуйидаги ҳолларда банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни чақириб олиши мумкин:

банк тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганида, пассивлар активлардан кўпайиб кетганида;

лицензия беришга асос бўлган маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланганда;

банк ўз омонатчилари ва бошқа кредиторлари олдидаги мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаганида;

ҳисобот маълумотлари мунтазам равишда бузиб кўрсатилганда;

қонун ҳужжатларига ва лицензия шартларига зид келадиган банк операциялари амалга оширилганда;

лицензия берилган пайтдан эътиборан банк операцияларини амалга ошириш бир йилдан ортиқ муддатга кечиккanда;

монополияга қарши қоидалар бузилганда;

Ўзбекистон Республикасида ўз шўъба банкини ташкил этган чет эл банкидан лицензия чақириб олинганда.

15-модда. Чет эл капитали иштирокида банклар таъсис этиш ва уларнинг фаолиятига нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар

Марказий банк чет эл капитали иштирокидаги банклар олдига қўшимча талаблар қўйиш, шу жумладан, чет давлатлар банкларидан улар ўзлари жойлашган ва рўйхатга олинган ердаги текширув органи назорати остида эканликларининг тасдиқномасини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Чет эл банкларига лицензиялар, башарти, чет давлат банки ўз мамлакатида қайтариб бериш шарти билан пул депозитлари ва бошқа бойликларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлсагина берилади.

16-модда. Банкларнинг филиал ҳамда ваколатхоналари

Банклар Ўзбекистон Республикасида ўз филиалларини, чет эл банклари эса ўз ваколатхоналарини Марказий банкнинг рухсати билан очишлари мумкин.

Банк филиали — уни ташкил этган банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи алоҳида бўлинмадир.

Чет эл банки ваколатхонаси — банк фаолиятини амалга оширмаган ҳолда банкнинг манфаатларини кўзлаб иш юритувчи алоҳида бўлинмадир.

Филиалларнинг раҳбарларини уларни ташкил этган банкнинг раҳбари Марказий банк билан келишиб тайинлайди.

17-модда. Банкларнинг чет эллардаги филиаллари ва ваколатхоналари

Банклар Марказий банкнинг рухсати билан чет элларда ўз шўъба банкларини, филиаллари ва ваколатхоналарини очишлари, банклар ташкил этишда қатнашишлари мумкин.

18-модда. Банкларнинг иттифоқлари ва уюшмалари

Банклар, башарти, қонун ҳужжатларининг талабларига зид келмаса, ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, ўз аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш ва биргаликдаги дастурларни амалга ошириш учун иттифоқлар, уюшмалар ва бошқа бирлашмалар тузишлари мумкин.

Бундай бирлашмалар мустақил равишда тижорат фаолияти, шу жумладан, банк фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, улар тижоратчи бўлмаган ташкилотлар учун белгилаб қўйилган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

19-модда. Банклар фаолиятини тўхтатиш ва уларни тугатиш

Банк қуйидаги ҳолларда ўз фаолиятини тўхтатади:

акциядорлар йиғилишининг қарорига кўра;

Марказий банк лицензияни чақириб олганида;

банкрот деб эълон қилинганида.

Ўз фаолиятини тўхтатган банк Марказий банк томонидан банкларни давлат рўйхатига олиш дафтаридан чиқарилади.

Банкнинг фаолияти тўхтатилганлиги ҳақидаги хабар мутбуотда эълон қилинади.

Банк фаолиятини тўхтатиш ва уни тугатиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

III. БАНК ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. БАНКЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

20-модда. Банкларнинг мустақиллиги

Ўзбекистон Республикасида банклар банк операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдирлар.

Банк хизматчиси банк бошқарувининг розилиги билан ўриндошлик асосида бошқа жойда ишлаши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари банк муассасаларида ўриндошлик асосида ишлашга ҳақли эмаслар.

21-модда. Давлат ва банкларнинг масъулияти чегаралаб қўйилиши

Банклар давлатнинг мажбуриятлари бўйича, давлат эса банкларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

22-модда. Банкнинг бошқарув органлари

Акциядорларнинг умумий йиғилиши, банк кенгаши ва бошқаруви банкнинг бошқарув органлари ҳисобланади.

Банк кенгашининг бурчлари қуйидагилардан иборат:

омонатчилар ва акциядорларни ҳимоя қилиш мақсадида банк фаолиятини, шу жумладан, кредитлаш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғрилигини назорат қилиш;

банк раҳбарларини ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш;

банк капиталининг бир текис ўсиб боришини таъминлаб туриш;

банк сиёсатини ишлаб чиқиш;

қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш.

Банк кенгаши аъзолари камида беш кишидан иборат бўлиши лозим. Акциядорлардан ташқари банк соҳаси олимлари ва мутахассислари ҳам банк кенгаши аъзоси бўлишлари мумкин.

Банкка оператив раҳбарлик қилувчи ва унинг фаолияти учун жавоб берувчи банк бошқаруви банкнинг ижроия органи ҳисобланади. Бошқарув банк кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши олдида ҳисобдордир.

23-модда. Банкларнинг фондлари

Банклар ўз фойдаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда турли фондлар ташкил этишлари мумкин.

24-модда. Банкларнинг пул маблағларини заҳиралаш соҳасидаги бурчи

Банклар Марказий банкда мажбурий заҳираларини сақлашлари шарт. Мажбурий заҳиралар нормативи Марказий банк томонидан белгиланади.

25-модда. Банкларнинг умумий иқтисодий нормативларга риоя қилиш соҳасидаги бурчлари

Банкларнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банклар Марказий банк томонидан белгиланадиган иқтисодий нормативларга риоя этишлари шарт.

Банклар ўз капитали ва ликвид ресурсларини етарли даражада сақлаб туришлари, активларни таснифлаш асосида шубҳали ва ҳаракатсиз активларга қарши заҳираларни ташкил этишлари, шунингдек, зарар кўриш хавфини камайтириш мақсадида ўз активлари диверсификациялашишини таъминлашлари лозим.

Банклар:

амалга оширилган инвестицияларнинг турлари ёки шаклларига;

кўчмас мулк ва бошқа мол-мулк сотиб олиш ҳамда унга эгалик қилишга;

бошқа юридик шахсларнинг устав фондларида қатнашишга доир шартларга риоя этишлари лозим.

Банклар:

капитални тақсимлаш натижасида ўз капитали талаб қилинадиган энг кам миқдордан ҳам камайиб кетадиган бўлса, капитални тақсимлашга;

акциялар шаклидаги ўз қимматли қоғозлари билан кафолатланган кредит беришга;

олдиндан Марказий банкнинг розилигини олмай туриб, ўз акцияларини сотиб олишга ҳақли эмаслар.

Нормативлар ва уларни ҳисоб-китоб қилиш услубига бўлажак ўзгартишлар амалга киритилишидан камида бир ой олдин Марказий банк томонидан расман эълон қилинади. Устав капиталининг энг кам миқдори ўзгартирилиши тўғрисида Марказий банк бундай ўзгартиш амалга киритилишидан камида уч ой олдин расман хабар беради.

26-модда. Банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар тузиш

Банкларнинг ўзига алоқадор бўлган шахслар билан ёки улар номидан тузадиган шартномалари ўзига алоқадор бўлмаган шахслар билан тузадиган шартномаларга қараганда анча қулай шартларга асосланса, уларнинг бундай шартномаларни тузиши тақиқланади.

Марказий банк банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар тузиш, жумладан, уларга кредитлар ажратиш юзасидан чекловлар белгилайди.

Қуйидаги шахслар:

банкнинг мансабдор шахси, жумладан, банк кенгашининг аъзоси, шу банкнинг бошқа ходимлари, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари;

устав капиталининг ўн фоизидан зиёдига эгалик қилиб турган банк акциядорлари;

банк устав капиталининг ўн фоизидан зиёдига эгалик қилиб турган акциядор юридик шахсларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари;

банк юридик шахсларнинг қатнашчиси бўлиб, уларнинг устав капиталидаги улуши ўн фоиздан ортиқ бўлса, мазкур юридик шахслар, уларнинг мансабдор шахслари ва бу шахсларнинг яқин қариндошлари банк билан алоқадор шахслар деб ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган шахсларнинг бири билан алоқадор бўлган шахс уларнинг ҳар бири билан алоқадор деб ҳисобланади.

Банк билан алоқадор шахсга кредит, шунингдек, банк билан алоқадор шахс учун кафолатлар ушбу модда талабларини ҳисобга олган ҳолда банк кенгашининг қарорига кўра берилиши мумкин.

27-модда. Банкларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларни бажариши

Марказий банкнинг топшириғига кўра банклар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларни бажарадилар.

28-модда. Банкларнинг кредит ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдорини белгилаш ҳуқуқлари

Банк операциялари бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдори банклар томонидан мустақил белгиланади.

Давлат дастурларини молиялаш учун Марказий банк томонидан банкларга бериладиган кредитлар бўйича Марказий банк ушбу банклар қарздордан ундириб оладиган фоиз ставкаларининг энг кўп миқдорини белгилаши мумкин, бунда марказлаштирилган ресурслар учун тўлов ва банкларнинг харажатлари ўрнини қоплаш ҳисобга олинади.

29-модда. Банкларнинг ҳисобот ва бошқа ахборотни тақдим этиш мажбуриятлари

Банклар ўз фаолиятларига доир ҳисобот ва бошқа ахборотни Марказий банкка ўз вақтида тақдим этишлари шарт.

30-модда. Банк операцияларига доир ҳужжатлар

Банклар ҳужжатларни Марказий банк белгилаган тартибда ва муддатда ўз архивларида сақлашлари шарт.

31-модда. Банклар ва мижозлар ўртасидаги муносабатлар

Банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилади.

Мижозлар исталган банкда ҳисоб-китоб варақлари ва бошқа ҳисобварақлар очишга ҳақлидирлар.

Банклар мижозларга ҳисобварақлар очишнинг Марказий банк белгилаган тартибига риоя қилишлари шарт.

Банкнинг барча хизматлари банк акциядорлари ва бошқа мижозларга тенг шартлар асосида кўрсатилади.

32-модда. Банкларараро операциялар

Банклар шартнома асосида маблағларни депозитлар, кредитлар шаклида бир-бирларидан жалб этиши ва бир-бирига жойлаштириши, ташкил этиладиган ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириши ҳамда лицензияда назарда тутилган бошқа ўзаро операцияларни бажариши мумкин.

33-модда. Банкларнинг ҳисоб-китоб қилиш тартиби

Банклар ва уларнинг мижозлари ҳисоб-китобларни Марказий банк белгилайдиган тартибда амалга оширадилар. Кўрсатилган тартибни бузганлик учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

34-модда. Кредитлар қайтарилишини таъминлаш

Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ кўчар ва кўчмас мулкни гаровга қўйиш, кафолат бериш, кафилликка олиш ва мажбуриятлар асосида кредит берадилар.

Банклар таъминланмаган кредит (эътимодли кредит) бериш ҳақида қарор қабул қилишлари мумкин.

35-модда. Қарздорларни тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиш

Банкдан олган кредитларини ўз вақтида тўлаш мажбуриятларини бажармаётган қарздорларни банк тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиши ва бу ҳақда матбуотда хабар бериши мумкин. Банк бундай қарздорларни банкрот деб топишни сўраб, хўжалик судида даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга.

IV. БАНКЛАРГА ВАСИЙЛИК ҚИЛИШ

36-модда. Васийликни тайинлаш

Банкнинг муваққат маъмуриятини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Марказий банк васий тайинлайди ва васийлик қилиш ҳақида фармойиш чиқаради. Фармойиш матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Банкнинг олдиндан васийдан розилик олмай қилган ҳаракатлари ҳақиқий эмас.

37-модда. Васийнинг ваколатлари

Васий банкнинг мансабдор шахслари ва унинг акциядорлари ваколатларига, шунингдек, банк аҳволини нормаллаштириш учун зарур чоралар кўриш, жумладан, қонун ҳужжатларига мувофиқ филиалларни ёпиш, мансабдор шахсларни ва хизматчиларни ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Васий исталган пайтда фуқароларнинг депозитлари ва инвестициялари бир йилдан кўп бўлмаган муддатга қисман ёки тўла тўхтатиб қўйилганлигини эълон қилиши мумкин, бунда депозитлар ва инвестицияларнинг тахминий қийматини сақлаб қоладиган чоралар кўрилиши шарт.

Башарти, васийлик вақтида ёки васийлик даврининг охирида банкни соғломлаштиришнинг иложи йўқлиги Марказий банк томонидан аниқланса, у лицензияни чақириб олади ва белгиланган тартибда банкни тугатади.

V. БАНК МИЖОЗЛАРИНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

38-модда. Банк сири

Банклар ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотлар сир сақланишига кафолат беради. Банкнинг барча хизматчилари банк, унинг мижозлари ва вакилларининг банк операциялари, ҳисобварақлари ва жамғармаларига доир маълумотларни сир сақлашлари шарт.

Юридик шахслар ва бошқа ташкилотларнинг операциялари ҳамда ҳисобварақларига доир маълумотномалар ана шу ташкилотларнинг ўзига, прокурор, судларга, жиноий иш қўзғатилган бўлса, суриштирув ва тергов органларига берилади.

Жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотномалар мижозларнинг ўзига ва уларнинг қонуний вакилларига; мижозларнинг ҳисобварақлари ва омонатларида турган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматбаҳо нарсалар хатланиши, уларга ундирув қаратилиши ёки мол мулк мусодара этилиши мумкин бўлган ҳолларда юритилаётган ишлар бўйича судлар, суриштирув ва тергов органларига берилади.

Ҳисобварақлар ва омонатнинг эгалари вафот этганда ушбу ҳисобварақлар ҳамда омонатга доир маълумотномалар мазкур ҳисобварақ ёки омонат эгаси банкка топширган васиятномасида кўрсатган шахсларга, вафот этган омонатчиларнинг жамғармаларига доир мерос ишларини юритаётган давлат нотариал идораларига, чет эл фуқароларининг ҳисобварақларига доир маълумотномалар эса — чет эл консуллик муассасаларига берилади.

Хизмат бурчи юзасидан банк ахборотидан хабардор бўлган шахслар хизмат сирини ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

39-модда. Банкларнинг ўз мижозлари олдидаги жавобгарлиги

Банклар маблағларининг сақланиши ҳамда омонатчилар олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши учун, шу жумладан, тўловлар бир банкдан бошқа банкка ўз вақтида ўтиши ҳамда маблағларнинг корхоналар ва ташкилотлар ҳисоб-китоб варақларига киритилиши учун ўз мижозлари ва омонатчилари олдида жавобгардирлар.

Банк тугатилганда унинг жисмоний шахс бўлган омонатчилари банкни тугатишдан келадиган тушумлар ҳисобидан ўз омонатларини олишда имтиёзга эгадирлар.

Банклар депозит ва кредит операцияларига доир муддатлар ва шартлар, шу жумладан Марказий банк чиқарган қоидаларга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган йиллик фоиз ставкалари, мукофотлар ва йиғимлар тўғрисида ўз мижозларига мунтазам равишда ахборот бериб боришлари шарт.

40-модда. Монополияга қарши қоидалар

Банкларнинг банк операциялари бозорини монополиялаш ва банк ишида рақобатни чеклашга қаратилган битимларга эришиш мақсадида ўз иттифоқлари, уюшмалари ва бошқа бирлашмаларидан фойдаланиши тақиқланади.

Монополияга қарши қоидаларга риоя этилиши Марказий банк томонидан, шунингдек, ушбу мақсадларда қонун ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган бошқа органлар томонидан назорат қилинади.

VI. БАНКЛАРДА ҲИСОБ ЮРИТИШ ВА ҲИСОБОТ. БАНКЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

41-модда. Банкларда ҳисоб юритиш ва ҳисобот

Банкларда бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қоидалари Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқ белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қоидалари бузилганлиги учун банк раҳбарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

42-модда. Банкларнинг молиявий ҳисоботларни эълон қилиши

Банклар ўз молиявий ҳисоботларини Марказий банк белгилайдиган шакл ва муддатларда, унда кўрсатилган маълумотнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, матбуотда эълон қиладилар.

43-модда. Банклар аудити

Банкларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик текширишларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили текшириб турилиши лозим.

Аудит, хусусан, капиталнинг етарлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш, таваккалчиликни ва ликвидликни ўлчашни ўз ичига олади.

Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ ички аудиторлик дастурларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари ҳам шарт.

44-модда. Банкларни назорат қилиш

Марказий банк қонун ҳужжатларига мувофиқ банклар фаолиятини назорат қилиб боради.

Марказий банк тижорат банкларидан ахборот беришни талаб қилишга ва ушбу қонунни бажариш мақсадида бошқа ишларни амалга оширишга ҳақлидир.

Банклар фаолиятини текшириш Марказий банк томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 25 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

«БАНКЛАР ВА БАНК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунга мувофиқлаштирсин, республика вазирликлари ва идоралари мазкур қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзининг норматив ҳужжатлари, шунингдек, тижорат банкларининг уставларини «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

4. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 84-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси **Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил, 25 апрель.

• Ўзбекистон — Ватаним маним!

БЕТАКРОР БЎЛСИН

Тўхтасин ҒОФУРБЕКОВ, Санъатшунослик фанлари доктори, профессор:

Мустақиллигимиз ва истиқлолнинг 5 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови маънавиятнинг юксалишига катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, юртимиз кишиларида Ватанни севиш ва ардоқлаш туйғуси жуда кучли экан. Шунинг учун ҳам қарор газетада эълон қилинган кундан бошлаб Ёзувчилар, Бастакорлар уюшмаларига, газеталар муҳарририятига кўплаб хатлар кела бошлади. Мактуб эгалари қўшиқ айтиш истагини изҳор этишар, шеърлар ёзиб юборишганди. Тўғри, уларнинг шеърлари ҳали машқ даражасидан чиқиб кета олмаган бўлса-да, одамлар ўз кўнглидаги, қалбидаги энг гўзал ва самимий сўзларини Ватанни улуғлашга бағишлаганликларининг ўзи ҳам ватанпарварликнинг бир кўринишидир. Мен ана шундан жуда хурсанд бўлдим. Демак, ўзи яшаб турган тупроқнинг қадимийлигини, табарруклигини ҳис этиш ва у ҳақда қўшиқ яратишга, тинглашга халқимиз ташна. Кўрик-танлов ана шу ташналикни қондиргандек бўлди, ҳамамда. Чунончи, туман ва вилоятларда ўтказилган биринчи ва иккинчи босқичда янги номлар, янги қўшиқлар ҳамда янги мусиқалар яратилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Шундай қилиб, 12 та вилоят, Қорақалпоғистон республикаси ва Тошкент шаҳрида иккинчи босқич якунланди. 54 минг нафар ижодкор - ижрочилар иштирок этиб, 10 мингга яқин қўшиқ тингланди. Маълум шартшароитларни, боғча болалари, мактаб ўқувчилари, талаба ёшлар, ички қўшинлар ва мудофаа ходимлари учун жўр бўлиб оммавий тарзда байрамларда, тантаналарда айтиладиган қўшиқлар зарурлигини ҳисобга олган ҳолда тўртта вазирликка кўрик-танловни ўзлари ўтказишлари учун имтиёз берилганди. Булар Мудофаа, Ички ишлар, Халқ таълими, Олий таълим вазирликлари бўлиб, ҳозиргача учта вазирликдан кўрик-танлов ўтказилганлиги ҳақидаги ахборот ва ҳужжатларни олдик. (Олий таълим вазирлиги бундан мустасно). Айни кунларда ҳайъат аъзолари 4 йил давомида яратилган қўшиқларни саралаш билан банд. Иккинчи вазифамиз шуки, вилоят миқёсида ғолиб деб топилган ва бизга юборилган қўшиқларни тинглаб, керакли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берамиз. Бизнингча ғолиб қўшиқлар ғолибликка муносиб бўлмоғи даркор.

Кўрик-танлов давомида катта сафарбарлик қайд этилди, катта куч ва маблағ сарфланди. Буни инкор этмаган ҳолда камчиликлардан ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Жумладан, айрим қўшиқларда асл мақсадни, моҳиятни тушунмаслик мавжуд. Бу, айниқса, болалар ижро этаётган қўшиқларда яққол кўзга ташланади. Сабаби шеърда болалар тушуниши қийин сўзлар кўп, улар шеърни кўр-кўрона ёдлаб олиб, қўшиқни баланд овоз билан айтишади-ю, аслида ҳеч нима тушунишмайди. Бу қўшиқ учун шеър танлашдаги эътиборсизликнинг оқибати бўлса керак. Иккинчи бир камчилик мусиқадаги сохта тантанаворлик ва баландпарвозликдир. Биргина мисол: Тошкент шаҳри доирасида ўтказилган кўрик-танловда 23 та қўшиқ тингладик. Очиғини айтсам, такрор ва эгиз мусиқалар — собиқ совет давридаги доҳийлар ҳақида куйланган мадҳиялар, мусиқалар нусхасини эшитгандек бўлдим. Кўрик-танловни ўтказишдан мақсадимиз эса мустақил Ўзбекистон ҳақида бетакрор, юракка сингиб кетадиган куй-қўшиқлар яратишдир.

«Халқ сўзи» мухбири Г. ХУСАНОВА ёзиб олди.

• СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ •

Атланта — 96

НОМЗОДЛАР САКСОН НАФАРГА ЕТДИ

АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтказиладиган XXVI ёзги Олимпиада ўйинларининг бошланишига бор-йўғи етти ҳафта қолди. Барча мамлакатлардаги каби бизнинг спортчилар ҳам унга катта тайёргарлик кўришяпти. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган ҳафтада спортимиз оламида тарихий воқеа содир бўлди.

Спорт ривожланган барча мамлакатлардаги каби бизда ҳам профессионалча иш юритишга жазм қилинди, яъни муваффақиятли қатнашган вакилларимиз учун олдиндан мукофотлар белгиланди. Бу Ўзбекистон давлат жисмоний-тарбия ва спорт қўмитасининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида маълум бўлди. Биринчи марта мустақил Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладиган спортчиларимиз энди моддий манфаатдорлик учун ҳам Олимпиада майдонига чиқишади. Атлантада юртимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилишига сабабчи бўлган спортчи кўп эмас, оз эмас, нақ 30 минг АҚШ доллари билан тақдирланади. Олимпиаданинг «кумуш» ва «бронза» медалига сазовор бўлган спортчиларимиз эса 20 минг ва 10 минг АҚШ доллари миқдорида мукофот олади. Шунингдек, мураббийларни ҳам тақдирлаш тадбирлари белгиланди.

Ҳа, ўлкамиз спортчилари тарихда бундай рағбатнинг шоҳиди бўлишмаган, фақат газеталарда ўқишган эди. Энди эса ... Албатта бу уларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшади, ғалабага руҳлантиради.

Японияда эса Олимпиада олдидан ажойиб хушхабар олдик. Спортсеварларимизга яхши маълумки, бу мамлакатда ўтказилган Осиё ўйинларидан байдарка ва каноэчиларимиз медаллар шодаси билан қайтишган эди. Эшкак эшувчиларимиз учун Сакайде шаҳрида ўтказилган Олимпиада олди қитъа миқёсидаги мусобақа ҳам омадли бўлди. Умумжамоа ҳисобида спортчиларимиз биринчи ўринни қўлга киритишди ва ўн икки масофанинг саккизтаси бўйича Олимпиада йўлланмасига эгалик қилишди.

— Бунгача юртимизда ўтказилган «Самарқанд юлдузлари» мусобақасида қозоғистонликлардан сўнг иккинчи ўринни эгаллаган эдик,-дейди терма жамоамиз бош мураббийси Вячеслав Юлдашев. — Японияда ҳам асосий баҳс бизнинг вакилларимиз билан қозоғистонлик эшкак эшувчилар ўртасида борди. Ваҳоланки, Осиё ўйинларида Хитой, Япония, Корея спортчилари бир қатор масофалар бўйича юқори натижа кўрсатишган эди. Бу сафар улар деярли асосий баҳслардан чиқишди ва бир нечта Олимпиада йўлланмаси билан кифояланишди. Вакилларимизнинг Японияда натижасини, сўзсиз, юқори баҳолайман.

Бевосита мусобақага қайтадиган бўлсак, дастлабки куни тажрибали спортчимиз Иван Киреев 1000 метр масофа бўйича байдаркада маррага биринчи бўлиб етиб келди. Бу албатта қолган спортчиларимизни ҳам ғалабага руҳлантирди.

Каноэчимиз Евгений Астанин эса жаҳон чемпионати совриндори қозоғистонлик Константин Негодяевдан сўнг маррага етиб келди. Байдарка жуфтлигида Рафаэль Исломов ва Владимир Олимжонов ҳам қозоғистонликлардан кейин иккинчи бўлишди. Ака-ука каноэчиларимиз Владимир ва Сергей Шоисломовларни ҳам қозоғистонликлар ортда қолдиришди. Бироқ биринчи кун сўнггида вакилларимиз асосий рақибларидан ўзиб кетишга муваффақ бўлишди. Дастлаб Елена Лебедева — Инна Исоқова — Ирина Лялина — Татьяна Левинадан иборат тўртлигимиз зафар қучишган бўлса, сўнг Анатолий Тюрин — Константин Яшин — Владимир Казанцев — Андрей Шилиндан иборат эркаклар «квартет»и 1000 метрлик байдарка пойгасида маррага биринчи бўлиб етиб келишди.

Иккинчи куни 500 метр масофа пойгасида байдаркачимиз Александр Попов иккинчи, каноэчимиз Евгений Астанин учинчи натижа кўрсатди. Шунингдек, И. Лялина ҳамда И. Исақова — Т. Левинадан иборат жуфтлигимиз ҳам ярим километрлик масофа бўйича учинчи ўринни эгаллашди. Казанцев ва Шилин эса бу масофа бўйича қитъанинг барча байдарка жуфтликларини ортда қолдиришди.

Шундай қилиб байдарка ва каноэ бўйича терма жамоамизнинг ҳар бир аъзоси Атланта Олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Биз улардан Олимпиадада ҳам юқори натижалар кўрсатишини кутиб қоламиз. Олимпиада йўлланмасига эга бўлган спортчиларимизнинг умумий сони эса 80 нафарга етди.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СПОРТ МАКТАБЛАРИ СПАРТАКИАДАСИ

Яқинда Гулистон шаҳрида болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари республика Спартакиадаси бўлди. Унда мамлакатимизнинг ҳамма вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келган қўл тўпи усталари ўзаро маҳорат синовидан ўтдилар. Тошкентликлар биринчи, андижонликлар иккинчи, мезбонлар эса фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

Х. АЛИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири

КАТТА ТЕННИСДАН СТОЛ ТЕННИСИГА

Фарғона теннис мусобақалари ўтказиладиган довруғли шаҳарлардан бирига айланиб бораяпти.

Икки йилдирки, ўтказилаётган сателлит халқаро теннис мусобақалари кўпчиликнинг ёдида қолди. Энди фарғоналиклар стол тенниси мусобақаларига ҳам тобора кўпроқ эътибор беришяпти.

Спортнинг шу тури бўйича ўсмирлар ўртасида республика мусобақаларининг айнан Фарғонада ўтказилиши ҳам бежиз эмас.

Стол тенниси, айниқса, мактаб ўқувчилари орасида тобора оммалашиб бораяпти. Ўтказилган мусобақаларда фарғоналик спортчилар юксак натижаларни кўрсатишди. Нилуфар Сотволдиева ва Руслан Ўрозметов шахсий биринчиликда ғолиб чиқишган бўлса, улар жуфтлик мусобақаларида ҳам ғалаба нашидасини суришди. Руслан Марат Холматов билан Нилуфар эса Ирина Разулаева билан жуфтликда ўйнаб ғолиблик шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилишди.

Умумжамоа ҳисобида фарғоналиклар биринчи, самарқандликлар иккинчи, бухороликлар эса учинчи ўринни эгаллашди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Ангрен шаҳридаги "Промкартонторг" очиқ типдаги акционерлик жамияти

бурма яшик, бурма картон, қоғоз гилза, қоғоздан тикилган пакет, гастроном сумкалари, КМЦ елими, идора елимлари, электр лампочкалари манжетларини сотиш имкониятига эга.

Нархи келишилади. Ҳақи олдиндан тўланади, векселда ҳам тўлаш мумкин.

Қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг: 344-52 - маркетинг бўлими, 224-20 - қабулхона.

Зангиота туман «Ўзмевасабзавот» банки «Баракат» давлат хўжалигини 1996 йил 21 майдан тўлов қобилиятига яроқсиз, деб эълон қилади.

Зангиота туман «Ўзмевасабзавот» банки «Дўстлик — 1» ҳиссадорлик жамиятини 1996 йил 29 майдан тўлов қобилиятига яроқсиз, деб эълон қилади.

Зангиота туман «Ўзмевасабзавот» банки «АИН» хусусий корхонасини 1996 йил 29 майда тўлов қобилиятига яроқсиз, деб эълон қилади.

Ажойиб дунё

ЎҒИЛ КЎРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ ЁКИ ҚИЗ?

Коврова шаҳрида истиқомат қилувчи Владимир К. истак бўйича «Чақалоқнинг ўғил ёки қиз бўлиб туғилиш технологияси»ни (муаллиф кашфиётини шундай номлаган) ишлаб чиқди.

У ўн олти йилдирки, эр-хотинларга «буюртма» бўйича ўғил ёки қиз кўришлари учун ўз маслаҳатини бериб келмоқда. Бу даврда 200 нафардан ортиқ эр-хотин унинг хизматидан фойдаланишди. Натижалар эса мижозларнинг дилидагидек бўлиб чиққан. Эндиликда унинг номига Россиянинг барча бурчакларидан отаоналардан мактублар оқиб келаяпти. Владимирнинг тажрибаси билан қатто хорижликлар ҳам қизиқишаяпти. Ҳамма гап шундаки, у ҳеч қандай тиббиёт тиғи ёки дори-дармондан фойдаланмайди, балки руҳий таъсир кўрсатишга, мадад беришга таянади. Яқинда Владимир К. ўз кашфиётини расмий рўйхатдан ўтказишга муваффақ бўлди.

5 МИНГ ЙИЛ САҚЛАНГАН МУРДА

Овчилар Хитойнинг Тибет тумани ҳудудидаги Басудан-Ула чўққиси музликларидан жуда яхши ҳолатда сақланган одам мурдасини топишди. Олимларнинг уни ўрганиб, аниқлашларига кўра, мурда муз остида 5 минг йилдан буён сақланиб келган экан.

Иллинойс штати университетида мурда жуда синчковлик билан ўрганилди. Текширишлардан сўнг олимлар амин бўлишдики, мурданинг барча аъзолари... сунъий экан. Лекин масаланинг иккинчи томони уларни ўйлантириб қўйди. Сунъий мурданинг материали нимадан ва у қандай қилинган деган саволга жавоб топишга ҳозирги замон фани ҳам ожизлик қилади. Тибет мўмиёсини жуда яхши ўрганган доктор Юстин Маннерснинг қатъий таъкидлашича, мурда ўзга сайёрага тегишлидир. Маннерс бунга мурданинг мия тўқимаси ҳам сунъий эканлигини ва у ҳис-ҳаяжон, сезгиларни ҳам бошқара билишлигини далил сифатида кўрсатаяпти. Унинг қанчалик ҳақиқатга яқин эканлиги эса... буни исботлаш учун бизнинг фанимиз ожизлик қилади, дея таъкидлаб, хабар беради АҚШнинг «Чикаго Сан» газетаси.

БИР ТОМОНДАН ҚАРАГАНДА ВРАЧ ҲАҚ ЭДИ

Американинг кичик бир шаҳрида ажойиб воқеа содир бўлдики, айни кунда у бутун жаҳон матбуоти саҳифаларидан саҳифаларига кўчиб юрибди.

Каналда оқиб кетаётган бола қутқарилиб, дарҳол «Тез ёрдам» машинаси чақирилади. Зудлик билан етиб келган «Тез ёрдам» врачи бола танасида ҳеч қандай ҳаёт аломати қолмаганлигини қайд этди ва ўлим ҳақида қайднома тузиб, уни мурдахонага жўнатди. Фожиа сабабини аниқлашга жазм қилган жарроҳ эса..., ҳайратдан қотиб қолди. Чунки бола бор-йўғи оддий қўғирчоқ эди. Ҳа, «Тез ёрдам» врачи ҳақ эди, унда ҳақиқатдан ҳам ҳеч қандай ҳаёт аломати бўлмаган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимлари вазирликнинг бош ҳисобчиси Сайдулла Абдурасуловга акаси **Иболулла АБДУРАСУЛОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан унга ва унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ»

номли ҳафталик лотереясининг 1996 йил 29 майда ўтказилган ўнинчи тираж ўйинининг НАТИЖАЛАРИ:

Биринчи соврин — 39457 сўм N 58354, N 19 серия, разряд 01 билети эгасига насиб этди.

Иккинчи соврин — 1038 сўм, N 58354, разряд 01 билети эгасига насиб этди.

Учинчи соврин — 199 сўм, билет номери охирги рақами.... 4 билан тугаган ва серия N 19, разряд 01 бўлган билетларга тушди.

Билетларга тушган ютуқларни Халқ банки бўлимларидан олишингиз мумкин.

Навбатдаги 11-тираж ўйини 5 июнда бўлади. 04 разрядли 13,19 серияли билетлар ўйнайди.

БИЗ БИЛАН ЎЙНАНГ ВА ЮТИНГ!

АЖОЙИБ ОЛАМ SAMSUNG

World BEST

SAMSUNG

БУНИ ФАҚАТ ОРЗУ ҚИЛИШ МУМКИН!

"Самсунг-Электроникс" уч йиллик тадқиқотлардан сўнг жаҳонда энг ясси экранли 29-дюймли биотелевизор яратди. У ўта тиниқ тасвирга, овозга ва замонавий кўринишга эга.

Ажойиб тасвир - Сиз бир пайтнинг ўзида иккита сюжетни томоша қилаверасиз.

Тиниқ овоз - товушнинг сифати компакт-диска даражасида, овозни истаган сюжетга мослайверасиз: "Концерт", "Стадион", "Моно".

Замонавий, хушбичим, бошқа "SAMSUNG" телевизорларига нисбатан 30 фоиз ихчам.

Фирма дўконлари:

Кало Холдинг Корпорэйшн	Тошкент, "Бешёғоч" бозори, 2-дўкон	7(3712) 45-52-69
Кало Холдинг Корпорэйшн	Тошкент, "Олой" бозори	7(3712) 45-80-41
Кало Холдинг Корпорэйшн	Тошкент, "Чорсу" савдо маркази	7(3712) 45-52-69
Кало Холдинг Корпорэйшн	Тошкент, Хўжаев кўчаси	7(3712) 45-52-69
Кафолат-Файз	Тошкент, "Чорсу" бозори, Эскижўва кўч.	7(3712) 42-29-89
ТОУ Ко., ЛТД	Тошкент, Амир Темур кўчаси, 110	7(3712) 34-02-58
ТОУ Ко., ЛТД	Тошкент, "Чилонзор" савдо маркази	7(3712) 35-09-86
СТАЛИК	Фарғона, Аль-Фарғона кўч., 20	7(3732) 24-49-18

SAMSUNG Electronics компанияси Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўйича дилерларни таклиф этади. Алматидаги омборидан бевосита етказиб берилади.
Самсунг Электроник Ко.
Алмати офиси, Алмати, Абилайхон, 81.

SAMSUNG ELECTRONICS

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28. Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов
Навбатчи — А. Абдурахмонов

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0259 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 7 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 23.30. 1 2 3 4 5 6